2014 йил 26 февраль, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (12.600)

Баҳоси эркин нархда

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 февраль куни Оқсаройда Беларусь Республикаси, Латвия Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Грузия, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Николай Клакевич, Эдгарс Бондарс, Найтхарт Хёфер-Виссинг, Константин Жгенти, Намик Гунер Эрпул, Сунь Лицзедан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.**

Давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчилар билан суҳбатда уларни мамлакатимизда шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришга киришаётгани билан самимий қутлади. Ўзбекистон улар вакили бўлган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб келгани ва бундан буён ҳам эътибор қаратишини қайд этиб, элчиларнинг фаолиятига муваффақият тилади.

Мулоқот чоғида бугунги кунда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатлар ҳамкорликка оид салмоқли шартномавий-ҳуқуқий пойдевор асосида изчил ривожланаётгани ва бу барча соҳаларда ўзаро манфаатли алоқалар доирасини янада кенгайтириш имконини бераётгани таъкидланди.

Элчи Николай Клакевич мамлакатларимиз ва халқларимизни вақт синовидан ўтган дўстлик ришталари боғлаб туришини, уларнинг манфаатлари йўлида икки томонлама алоқаларни изчил ривожлантиришга ҳисса қўшишни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини қайд этди.

Латвия элчиси билан суҳбатда мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотлар, икки мамлакат парламентлари, ишбилармон доиралари, илм-фан ва таълим, маданият ва санъат вакиллари ўртасидаги алоқалар Ўзбекистон ва Латвия ҳамкорлигига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг 2013 йилнинг октябрь ойида Латвияга давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтган самарали музокаралар, улар якунида имзоланган 31 ҳужжат ўзаро манфаатли ҳамкорлик равнақига янги суръат бахш этди.

Элчи Эдгарс Бондарс мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, аввал эришилган давлатлараро шартнома ва келишувларни ҳаётга татбиқ этиш учун бутун куч-ғайрати ва дипломатик тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

Бугунги кунда Германия Ўзбекистоннинг Европадаги асосий сиёсий ва иқтисодий ҳамкорларидан биридир. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилга нисбатан сезиларли даражада ортиб, 591 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Германиянинг етакчи компаниялари иштирокида илғор технологиялар асосида нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган қатор корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Элчи Найтхарт Хёфер-Виссинг Ўзбекистондаги фаолияти мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп қирралли алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Ўзбекистон ва Грузия ўзаро ҳамкорликни икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасида изчил ривожлантириб келмоқда. Мулоқот чоғида таъкидланганидек, иккала мамлакат ҳам ўзаро фойдали муносабатларни кенгайтириш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка янгича суръат бахш этишдан манфаатдор.

Грузия элчиси Ўзбекистонга тайинланганини ўзи учун юксак шараф деб билишини ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркия ўз минтақасида муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сифатида ўзаро фойдали бўлган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан бирдек манфаатдор. Бу Президент Ислом Каримовнинг яқинда Сочида Туркия Бош вазири Ражаб Таййиб Эрдўғон билан қисқа учрашувида яна бир карра ўз тасдиғини топди.

Туркия элчиси Ўзбекистонга тайинланишини юксак даражадаги дипломатик мақом деб билишини ҳамда мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратини аямаслигини қайд этди.

Хитой элчиси билан мулоқот чоғида таъкидландики, 2012 ва 2013 йиллардаги олий даражали ўзаро ташрифлар, Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг икки томонлама ва минтақавий муҳим масалалар юзасидан атрофлича музокаралари, мамлакатларимиз ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация, иқтисодиёт соҳасидаги бошқа битимлар ўзаро ҳамкорликнинг асосларини янада мустаҳкамлади, барча йўналишлардаги давлатлараро алоқаларга янги суръат бағишлади.

Элчи Сунь Лицзе Хитой раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларни тенглик ва узоқ муддатлилик асосида ривожлантириш тарафдори эканини қайд этиб, ғоят муҳим бўлган бу вазифани амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишга тайёрлигини таъкидлади.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислом Исмоилов олган суратлар

**Кўргазмалар**

## ҚУРИЛИШ ВА МЕБЕЛЬ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ

***Кеча шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида қурилишга оид «UzBuild», иситиш ва вентиляция маҳсулотларининг «Aqua-Therm Tashkent», мебель ва ишлаб чиқариш технологияларининг «MebelExpo Uzbekistan» кўргазмалари бошланди.***



Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш бўйича давлат қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳамкорлигида «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг шериклари томонидан ташкил этилди.

Халқаро кўрикда Ўзбекистон, Австрия, Беларусь, Германия, Греция, Дания, Эрон, Испания, Италия, Канада, Франция каби дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан икки юздан зиёд фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда. Кўргазмага қўйилган маҳсулот ва технологияларнинг 70 фоизи хорижий, 30 фоизи эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мамлакатимиз қурувчиларининг энг йирик анжумани бўлган «UzBuild» кўргазмаси қаторасига 15 йилдан буён ўтказиб келинмоқда.

Мазкур кўргазманинг бу галгиси қурилишни ривожлантиришдаги устувор масалаларни муҳокама қилиш, ўзаро тажриба алмашиш ва ўтган давр мобайнидаги ютуқларни намойиш этиш учун тармоқ профессионалларини яна бир жойга жамлади.

Ушбу кўргазмада етакчилик қилаётган соҳалар – қурилиш материаллари ва асбоблари, маҳкамлаш, интерьер, манзара (ландшафт) ва дизайн, дераза ва эшиклар ҳамда қурилиш кимёси: иссиқлик материаллари ишлаб чиқарувчи Беларусь Республикасининг Гомельстройматериалы, томга ёпиладиган тизимлар – Iscom SPA, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун ускуналар – Ceric Technologies, қуруқ қоришмаларни тақдим этувчи ўзбекистонлик доимий иштирокчи Fuber-Side-Plast ҳамда сендвич панелларини миллий ишлаб чиқарувчиси – Panel-Construction ва бошқалар томонидан тақдим этилмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини янада ошириш мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ва Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди раҳбарлари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Банклар ассоциацияси вакиллари иштирок этди.**

**• Самарқанд темир йўл вокзалида мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб қайтган бир гуруҳ йигитларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.**

**• Қашқадарёда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар тасарруфидаги институт, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик муассасаларининг 140 дан ортиқ технологик ишланмалари намойиш этилди.**

**• Пойтахтимизда Тошкент вилоятининг лалмикор ерларидан унумли фойдаланиш бўйича янги иқтисодий фойдали ечимлар мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбир Глобал экологик фонднинг Ўзбекистондаги кичик грантлар дастури томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Мамлакат бош прокурори Луис Ортега Диаснинг маълум қилишича, Венесуэлада рўй берган тартибсизликлар ва норозилик намойишлари давомида ҳаётдан кўз юмганлар сони 13 кишига етди.**

**• АҚШнинг «Mozilla» компанияси энг арзон смартфон тақдимотини ўтказди. Унинг нархи 25 долларга тенг бўлиб, «Firefox OS» операцион тизимида ишлайди. Қурилмани буюртма асосида Хитойнинг «Spreadtrum» компанияси тайёрлаб берган. Маълумотларга кўра, «Mozilla» шу орқали ҳамёнбоп смартфон ишлаб чиқариш мумкинлигини исботлашни мақсад қилган. Бундан олдин энг арзон смартфонлар нархи 80-100 АҚШ доллари атрофида бўлган.**

**• Вьетнамнинг Лайтяу музофотида бундан бир йил аввал бунёд этилган осма кўприкнинг қулаши оқибатида етти киши ҳалок бўлди, 37 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Полиция томонидан берилган маълумотларга кўра, воқеа содир бўлган пайтда кўприкдан 40 нафардан кўпроқ одам ўтаётган эди. Фожиа натижасида барча йўловчилар 20 метр баландликдан тоғ дарасига тушиб кетган. Воқеа сабаблари ҳозирча номаълум.**

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИДИР

***Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан «Фуқаролик жамияти ривожланишининг миқдор ва сифат ўзгаришлари: Тошкент шаҳри мисолида» мавзусидаги ҳисобот конференцияси ташкил этилди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад – фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳолати ва истиқболларини ҳар томонлама муҳокама қилиш, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар бўлинмасининг 2013 йилдаги фаолияти юзасидан кенг жамоатчиликка маълумот тақдим этиш ҳамда келгусида амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб олишдан иборат.

Анжуман давомида иштирокчилар Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбари Д.Аюповнинг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маърузасини эшитдилар ва муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудий бўлинманинг ўтган йилдаги фаолияти Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йилнинг ноябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросига йўналтирилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасида мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилган, уларнинг шаклланиши учун қулай шарт-шароитлар ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан: «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди.

*(Давоми 2-бетда)*

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИДИР






*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар маҳалла институтини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида», «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш тўғрисида»ги қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палатаси томонидан «Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарорнинг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

ФЖШМҚМИнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан демократик ислоҳотлар, шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар, содир бўлаётган воқеалар, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиши, шунингдек ОАВнинг демократлашуви ва эркинлаштирилиши жараёнларини чуқур ўрганиш ишлари мунтазам равишда давом эттирилмоқда.

Шаҳар ҳудудий бўлими ходимлари доимий равишда сиёсий партияларнинг ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, «Камолот» ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Журналистлар ижодий уюшмаси ва пойтахтдаги олий ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳисобот даврида ҳудудий бўлинма томонидан фуқаролик жамияти институтларининг 1500 дан ортиқ тадбирларида иштирок этилди ва мониторинг қилинди, ҳамкор ташкилотлар билан 86 та ижтимоий-сиёсий тадбирлар ташкил этилди, 15 га яқин ижтимоий сўровлар ўтказилди, ижтимоий-сиёсий газеталарда 62 та мақола эълон қилинди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий форумининг Тошкент шаҳар минтақавий босқичи ўтказилди. Унда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги 90 га яқин Меморандумлар имзоланди.

Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, жамғармалар, ҳаракатлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий-демократик давлат қуришда, аҳолининг фаоллиги даражаси юқори бўлган очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият ҳисобланади, унинг манфаатлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун қулай шарт-шароитларни яратиш долзарб вазифадир.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ТИЗИМИДА ННТЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. 2005 йилдан ННТлар ташаббусига кўра Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг Миллий ассоциацияси (ЎзННТМА) ташкил этилган. Унинг фаолияти ўз аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ва дастурларни бажаришда ННТлар ишини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган.

Тошкент шаҳрида бугунги кунда 402 та ННТ фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 147 таси давлат рўйхатидан, 255 таси ҳисоб рўйхатидан ўтган. ННТлар қуйидаги йўналишларда фаолият юритмоқда: 65 таси имконияти чекланган одамларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади, 51 та ННТ – сиёсий партияларнинг ҳудудий бўлинмалари, 44 таси спорт соҳасида фаолият кўрсатади, 48 таси аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, 37 таси ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, 29 та ННТ маданий-тарихий меросни асраш масалалари билан машғул, 24 таси миллий-маданий алоқалар соҳасида фаолият юритади, 20 таси фахрийлар билан иш олиб боради, 15 таси тадбиркорлик ва фермерлик, 15 таси эса хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шунингдек, 14 касаба уюшмаси бор, 11 таси соғлиқни сақлаш соҳасида, 9 таси экология, 9 таси таълим соҳасида, 9 таси аҳолини фавқулодда вазиятлар шароитларига тайёрлаш ва 2 таси ННТ миллий ҳунармандчилик соҳасида фаолият кўрсатади.

Ўтган йили шаҳарда фаолият юритаётган 53 та ННТлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фондининг грант лойиҳаларини ютиб олишга муваффақ бўлди. Улар асосан, ёшларнинг илмий-инновацион, ижодий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, пенсионерлар, ёлғиз қариялар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оила институтини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган. Грант лойиҳаларини амалга оширган ННТлар қаторида «Меҳр кўзда» ННТ, «Тадбиркор аёллар» жамоат бирлашмаси, «FAOL» ННТ, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти, «НУРОНИЙ» жамғармаси, «SOG`LOM KELAJAK» ННТ, «Экомактаб» экологик ресурс маркази, «ISHONCH-SHAXRISTON» ХУЖМШ, «Умр» жамияти ва бошқалар бор.

Шунингдек, шаҳар ННТларининг жойлардаги ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ҳал қилиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш ишларида самарали фаолият олиб бораётганликларини таъкидлаш жоиз.

2013 йилда «Обод турмуш йили» ҳудудий дастурининг амалга оширилишида пойтахтимизнинг 14 та жамоат ташкилоти ва ННТлари иштирок этди. Жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу дастурнинг 33 та бандини амалга оширишда фаол қатнашди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси 20 та бандни, «Камолот» ЁИҲнинг Тошкент шаҳар Кенгаши – 14 та бандни, Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши – 17 та бандни, Маънавият тарғибот маркази – 4 та бандни амалга оширишда иштирок этди.

Худди шундай, «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш ишларига Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси (6 та банд), «Оила» илмий-амалий маркази (4 та банд), «Нуроний» жамғармасининг шаҳар бўлимлари, (2 та банд) Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти, «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Тасвирий ойина» ижодий бирлашмаси (2 та банд) жалб қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан ЎзННТМА раисининг ўринбосари, «Тадбиркор аёл» жамоат бирлашмасининг раҳбари Н.Мирадилова ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик қадриятлар, фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ННТларнинг давлат муассасалари билан ижтимоий шериклигини янада кучайтириш зарурлигини билдирди. Айни пайтда ННТлар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда тажрибали кадрлар заҳирасини яратиш мақсадида ўқув семинарлари кўламини кенгайтириш лозимлигини қайд этди.

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган энг йирик нодавлат ташкилотларидан бири хотин-қизлар қўмитаси ҳисобланади. Унинг таркибига 5900 дан ортиқ бошланғич ташкилотлар киради. Ташкилотнинг фаолияти хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг касбий, жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланишини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилишида фаол иштирок этишини таъминлаш, турмуш қураётган ёшлар билан соғлом оилани шакллантириш, соғлом болаларнинг туғилиши ва уларни тарбиялаш бўйича тушунтириш ишларини кучайтиришга йўналтирилган.

2012 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан оила институтини мустаҳкамлаш бўйича ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш мақсадида «Хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Камолот» ЁИҲ фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирларини белгилаш тўғрисида»ги баённома қабул қилинди.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ОАВЛАРИНИНГ РОЛИ

Фуқаролик жамиятининг ривожланишида оммавий ахборот воситалари (ОАВ) муҳим роль ўйнайди. Оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Электрон ОАВлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди самарали фаолият юритмоқда. Ушбу ташкилотларнинг фаолияти жамиятимизда журналистларнинг роли ва мақомини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга, моддий-техник базаси ва ОАВ кадрлар заҳирасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ҳозирги пайтда пойтахтимизда 100 та босма нашр, учта радиостанция ва «Тошкент» телеканали рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент ОАВлари грант лойиҳаларини амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Хусусан, 2013 йилда улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат Фондининг «Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш» йўналиши бўйича 11 та грант лойиҳаларини ютиб, 150 миллион сўм маблағ олишга эришдилар.

Сўнгги пайтларда жойларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда муайян ижобий тенденция кузатилмоқда, хусусан, шаҳар ижтимоий-сиёсий газеталари ва телеканалларида таҳлилий-танқидий мақолалар ва кўрсатувларнинг бериб борилиши кузатилмоқда.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИДИР

Фуқаролик жамиятининг ривожланишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (ФЎБ) айниқса муҳим роль ўйнайди. Маҳалла институти – мамлакатимизда тарихан қарор топган фуқаролар йиғинининг анъанавий туридир ва у аҳоли ўртасида катта обрўга эга. Бундан 20 йил аввал давлатимиз раҳбари томонидан Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини тузиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлиб, бу тузилма фаолияти миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб этиш, маҳаллалар аҳолиси ўртасида маънавий-маърифий ишлар кўламини кенгайтиришга йўналтирилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари сирасига аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш ишлари киради.

Бугунги кунда пойтахтимизда 475 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда (Олмазор туманида – 58, Бектемир туманида– 12, Миробод туманида – 39, Мирзо Улуғбек туманида – 52, Сергели туманида – 33, Учтепа туманида – 53, Ҳамза туманида – 55, Чилонзор туманида – 48, Шайхонтоҳур туманида – 49, Юнусобод туманида – 58, Яккасарой туманида – 18 та).

2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун асосида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

Сайлов натижаларига кўра 237 нафар фуқаролар йиғинлари раислари қайта сайланди ва 238 нафар янги раислар сайланди, уларнинг 358 нафари олий маълумотга, 113 нафари ўрта махсус маълумотга, 4 нафари ўрта маълумотга эга.

Янги сайланган раислардан 8 нафарини 40 ёшгача, 87 нафарини 50 ёшгача, 332 нафарини 60 ёшгача, 148 нафарини эса 60 ёшдан ошган фуқаролар ташкил этади.

Шунингдек, 6718 нафар маслаҳатчи сайланди, уларнинг 2617 нафари илк бор сайланган, 2442 нафари хотин-қизлардан иборат, 4231 нафари олий маълумотга, 2046 нафари ўрта махсус маълумотга, 445 нафари ўрта маълумотга эга.

Фуқаролар йиғинларида штат бўйича раис, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, масъул котиб ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раиси фаолият кўрсатади. Айни пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишида фаолиятнинг асосий турлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилувчи обрўли ва ҳурматга сазовор фуқаролар жамоатчилик асосида иштирок этади.

## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Мамлакатда кўппартиявийлик принципи ва партияларaро рақобатни таъминлаш учун барча шароитлар яратилган. Фуқаролик жамиятининг ўзига хос ноёб институти бўлган сиёсий партиялар халқ иродасининг ифода этилишига кўмаклашади, ўз электорати ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракциялар ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида депутатлик гуруҳларини шакллантириш ҳуқуқига эгадир.

Пойтахтимизда сиёсий партиялар: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП), Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП), Ўзбекистон «Миллий тикланиш» Демократик партияси (ЎзМТДП) ва Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партиясининг («Адолат» СДП) тўртта ҳудудий бўлинмаси фаолият юритмоқда.

Таҳлиллар барча сиёсий партияларда партия аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари (БПТ) сони ҳамда ўтказилаётган тадбирлар салмоғи ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, ўтган йил бошида ЎзЛиДеП аъзолари сони 25744 нафарни ташкил этган бўлса, йил охирига келиб бу кўрсаткич 26200 нафарга етди, тегишли равишда аъзолар сони ЎзХДПда 33306 нафардан 33841 нафарга, «Миллий тикланиш» ДПда 10070 нафардан 11194 нафарга ва «Адолат» СДПда 7208 нафардан 8140 нафарга ошди.

Шу даврнинг ўзида БПТлари сони ЎзЛиДеПда 938 тадан 972 тага, ЎзХДПда 1331 тадан 1334 тага, «Миллий тикланиш» ДПда 293 тадан 331 тага ва «Адолат» СДПда 235 тадан 265 тага кўпайди.

2013 йил давомида ташкилий-кадрлар ва маънавий-маърифий фаолият йўналишидаги тадбирлар сонининг ўсиши билан боғлиқ ижобий ҳолат кузатилди. Ҳисобот даврида мазкур йўналишда ЎзЛиДеП томонидан 370, ЎзХДП томонидан 1800, «Миллий тикланиш» ДП томонидан – 950 га яқин ва «Адолат» СДП томонидан 580 га яқин тадбир ташкил этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида депутатлик ўринлари қуйидагича кўринишга эга: ЎзЛиДеПда – 23 та, ЎзХДПда – 17 та, ЎзМТДПда – 10 та ва «Адолат» СДПда – 10 та.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар муносабати билан сиёсий партиялар фаолиятининг янада фаоллашиши кутилмоқда.

## ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ АСОСИ

Фуқаролар, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва фуқаролик жамияти ривожининг сифати ва самарадорлигига салмоқли таъсир кўрсатади. Давлат ва жамоат ташкилотлари аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш масалаларида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борада давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» ва «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» тасдиқланди.

Мамлакатда 2011 йилдан буён Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш фаолият юритмоқда. Унинг асосий вазифаси – аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш ва жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш, мазкур фаолиятга ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилишга қаратилган.

Давлат муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шаҳримиздаги жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган турли тадбирлар, шу жумладан давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ташкил этмоқда.

ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан Адлия, Ички ишлар бошқармалари, прокуратура ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, аҳолининг турли қатламлари – таълим муассасалари ўқувчилари, тадбиркорлар, ННТ ва фуқаролар йиғини ходимларининг ҳуқуқий маданияти даражасини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотлар натижалари ушбу соҳада ижобий тенденция кузатилаётганидан далолат беради.

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Э.Шукуров ўз сўзида, ёшлар ташкилоти ўтган йили йигит-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик онгини юксалтиришга доир ишини янада фаоллаштирганини, мазкур йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат муассасалари билан ижтимоий шериклик кучайтирилганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ташкилот фаолиятининг устувор йўналишига айланишини билдириб ўтди.

Шу билан бирга ҳисобот конференцияси давомида ННТ ходимларининг касбий кўникмалари лозим даражада эмаслиги, уларнинг моддий-техник базаси сустлиги, малакали кадрлар етишмаслиги каби айрим камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги ҳам қайд этилди.

Конференция якунларига кўра иштирокчилар юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга доир тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишди ва қабул қилишди. Таъкидланганидек, ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишдаги ролини янада кучайтириш борасидаги фаолиятини давом эттиради.

**Максим ЧЕРНОГАЕВ,**
**Камил СУЛТАНОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилди. Унда судьялар лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини тубдан яхшилаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини бундан буён ҳам таъминлаш, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятининг ташкил этилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси ушбу қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Сўнгра депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси этиб ўзгартирилиши муносабати билан ишлаб чиқилди. Айрим ҳуқуқий нормаларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида «Радиочастота спектри тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Ҳаво кодексига тузатишлар киритилмоқда.

Ҳар томонлама моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Масъул қўмитага қонун лойиҳасини кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш чоғида депутатлар фикрларини инобатга олиш топширилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколат доирасига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати**



Истиқлолнинг ёркин юлдузлари

# ҚУРИЛИШ ВА МЕБЕЛЬ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

Шунингдек, кўргазмада иштирок этиш учун Грециянинг лифтлар ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи Kleemann Hellass компанияси биринчи бор ташриф буюрди.

UzBuildнинг бўлимларидан бири — «Иситиш ва ҳавони алмаштириш» бўйича ташкил этилган Aqua-Therm Tashkent халқаро кўргазмаси дастлабки даврдан бошлабоқ ўзининг долзарблигини исботлади. Йилда бир маротаба бу ерда саноатчилар ва хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари қатор масала ва мақсадларни мажмуавий ҳал қилиш учун учрашадилар. Бугунги кунда бундай масалалар талайгина. Чунки республикада 2015 йилгача мўлжалланган давр учун ичимлик суви билан таъминлаш ва канализация тизимларини ривожлантириш дастури амал қилмоқда. Боз устига, 2020 йилга келиб республикамизнинг барча шаҳарларида аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 100 фоизга, қишлоқ аҳоли турар жойларида 85-90 фоизгача, канализация хизматларини шаҳар ва оқава сув шохобчаларининг канализация тизимлари мавжуд бўлган шаҳар кўринишидаги қўрғонларда 70 фоизгача етказиш режалаштирилган.

Aqua-Therm Tashkent 2014 кўргазмасида бутун жаҳонга таниқли бўлган компаниялар: Даниянинг иситиш тизимлари учун қулфлаш арматурасини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Danfoss компанияси, Австриянинг насослар ишлаб чиқарувчи Grundfos компанияси, Германиянинг иситиш ускуналарига ихтисослашган Viessmann компанияси ва бошқа бир қатор компаниялар ўзларининг тажриба ва кўникмалари ҳамда бизнесни ривожлантиришга оид хоҳиш ва таклифлари билан фикр алмашмоқдалар.

Ўн бир йилдан буён узлуксиз ўтказиб келинаётган MebelExpo Uzbekistan халқаро кўргазмаси саноатнинг мазкур тармоғи ривожланишининг халқаро йўналишлари билан танишиш, жаҳоннинг турли мамлакатларининг мебель ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчилари ва етказиб берувчилари, дизайнерлари ҳамда жиҳозлаш мутахассислари билан бевосита танишиш учун энг қулай имконият бўлиб келмоқда.

MebelExpo Uzbekistan халқаро кўргазмасининг асосий вазифаси – халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун замонавий мебель тармоғи ривожини намойиш қилиш, ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг тадбиркорлик юзасидан мулоқотини рағбатлантиришдан иборат.

Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари – MebelExpo Uzbekistan кўргазмасида кўплаб мебель ишлаб чиқарувчилар, жумладан, «Sharq Mebel Plus», «Art Furniture» «Eman», «Intermebel» ва бошқа корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этишмоқда. Кўргазма ушбу корхоналарга янги ҳамкорлар топиш, тажриба алмашиш, тижорат нуқтаи назаридан ҳам, обрў-эътибор орттириш тарафидан ҳам ғоят фойдали ва самарали бўлаётир.

Кўргазмалар 28 февралга қадар давом этади.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

***Чилонзор туманидаги Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежида «Ёшлар сиёсати энг устувор вазифа» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш, ёш авлоднинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган тадбир «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан туманда жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчилари иштирокида ўтказилди.

Давра суҳбатини Кенгаш раиси Баҳодир Зиёвиддинов кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари, ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг миқесдаги бунёдкорлик ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди. Таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш улар билан биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида сўз юритди.

Тадбир давомида 1-Тошкент педагогика коллежи «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Акмал Мусаевнинг «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларидаги фаоллигини ошириш», 1-Республика тиббиёт коллежи бошланғич ташкилот етакчиси Нилуфар Тўраеванинг «Юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш» ва бошқаларнинг слайд кўринишидаги маърузалари тингланди.

Сўзга чиққанлар таълим муассасаларида мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот бериб, келажакда амалга оширилиши ҳамда эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим жиҳатларни таъкидлаб, мазкур йўналишда ўз таклифларини билдириб ўтишди.

2014 йилда Чилонзор туманида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши ва унда бугунги кун ёшларининг орзу ва интилишларини мужассамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги бўйича келишиб олинди. Шу билан бирга «Маҳалла, таълим муассасаси ва оила» концепцияси асосида ишларни олиб бориш кераклиги бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тумандаги давомат кўрсаткичи паст бўлган таълим муассасаларида «Камолот»чилар фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ўқувчиларни аниқлаб, улар билан якка тартибда «Тенгдош — тенгдошга» шиори остида ишларни жадаллаштириш лозимлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

**Зарина РУСТАМОВА**

# ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

***Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан «Ватанни мадҳ этайлик!» мавзусида танқли санъаткорлар, ёш эстрада хонандалари ва ўқувчи-ёшлар иштирокида ижодий учрашув ўтказилди.***

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур шароит яратиш, уларни эзгу қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда дастуруламал бўлаётир.

Мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда уч юзга яқин болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди ҳамда улар замонавий ўқув-услубий воситалар билан таъминланди.

Чилонзор туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ана шундай замонавий таълим масканларидан. Унда бир юз етмиш нафар ўқувчи миллий ва замонавий чолғучилик, эстрада ва анъанавий хонандалик, тасвирий ва амалий санъат, рақс, театр санъати каби йўналишларда таълим олмоқда. Ўқувчи ёшларга ўттиз нафардан зиёд ўқитувчи санъат сирларини ўргатмоқда.

Таълим масканида ўқувчиларнинг ижрочилик маҳоратини ошириш мақсадида турли ижодий танловлар, учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Яратилаётган бундай кенг имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшлар кўплаб кўрик-танловларда фахрли ўринларга сазовор бўлмоқда. Мактаб ўқувчиси Назокат Остонова 2013 йилда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловида фахрли ўринга сазовор бўлгани бунинг тасдиғидир.

– Малакали устозлардан анъанавий ва замонавий ижрочилик сирларини чуқур ўрганмоқдаман, – дейди Н.Остонова. – Мактабимизда пухта таълим олишимиз учун барча шароит яратилган. Таниқли санъаткорлар билан ижодий учрашувлар, маҳорат сабоқлари мунтазам ташкил этилаётгани билим ва тажрибамизни ошириш имконини бераётир.

Тадбирда таниқли санъаткорлар ва ўқувчи-ёшлар иштирокида концерт дастури ижро этилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЁШЛАР ОРАСИДА ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

***Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар тарбияси давлат сиёсатида устувор аҳамиятга эга. Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар, ёшлар камолоти учун республика раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, жумладан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши ҳам бунинг ёрқин далилидир.***

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» деб номланган маърузасида ҳам давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатига тўхталиб, «Ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт. Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзуси», деб таъкидлаб ўтди.

Ҳаммамизга маълумки, охирги йилларда дунё миқёсида гиёҳвандлик халқаро ҳамжамият олдида турган оғир глобал муаммолардан бири бўлиб қолди. Гиёҳвандлик одамларнинг миллати, этник келиб чиқиши, дини ва жинсидан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатларида тарқалган.

Гиёҳвандлик воситаларининг, айниқса ёшлар ўртасида тарқалиши бугунги кунга келиб бутун дунёни ларзага солаётган муаммо, жиноятчилик ўчоғи, ногирон фарзандлар дунёга келишининг сабаби, халқ келажагининг таназзули десак муболаға бўлмаса керак.

Ўз ўрнида айтиш керакки, мазкур қилмишларнинг содир этилиши аҳоли соғлиғи, ҳаётига жиддий хавф туғдириб, жиноятчиликнинг ортиши ва уюшган жиноятчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлади, шунингдек, мазкур жиноятлар жамиятдаги ахлоқий меъёрларга, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий асосларига путур етказади.

Гиёҳвандлик ва гиёҳвандликка чалинган шахсларда бўладиган салбий ўзгаришлар ҳақида сўз юритганимизда аввало гиёҳвандликнинг луғавий маъносини ва гиёҳванд моддаларга нималар киришини аниқлаштириб олиш зарур бўлади.

БМТ Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда дунёда 210 миллиондан ортиқ гиёҳвандлар борлиги, ҳар йили ёшлар орасида гиёҳвандларнинг сони эса 15–20 фоизга кўпайиб бораётганлиги қайд қилинган. Экспертларнинг маълумотига кўра, Ўзбекистонга гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг асосий қисми қўшни – Афғонистон, Тожикистон мамлакатларидан кириб келмоқда. Эътиборга лойиқ томони шундаки, Ўзбекистонда бу иллатга қарши кураш давлат миқёсидаги сиёсат даражасига кўтарилган.

Маълумки, мамлакатимиз умумий аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар, 64 фоизини эса – 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ушбу қувонарли ҳол айни пайтда, катталар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Шу сабабли сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларни жамиятга мослаштириш, жиноятчиликка ҳамда ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқатилишига қарши кураш билан шуғулланувчи давлат идоралари ҳамда улар тизимларида бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Гиёҳванд ёшлар ижтимоий меҳнатдан йироқлашиб, руҳан ва маънавий қашшоқлашиб, дангаса, хаёлпараст, ҳаётга бефарқ қарайдиган бўлиб қоладилар, шу сабабли ёшларнинг гиёҳвандликка мубтало бўлиши оғир ижтимоий оқибатларни келтириб чиқаради. Гиёҳванд моддалар ёшларнинг соғлиғига алкоголдан, яъни спиртли ичимликлардан бир неча баробар тез, жиддий ва зарарли таъсир этади, агарда мунтазам ичкиликбозликка берилиш 7-15 йил оралиғида доимий ичкилик ичиш билан юзага келса, гиёҳвандлик бир ярим-икки ой мобайнида бутунлай боғланиб қолиши билан хатарлидир.

Таъкидлаш керакки, баъзида ёшларнинг мустақил ҳаракатини ўта чегаралаш ҳам ўз вақтини клуб ва дискотекаларда ўтказиш, шунингдек, бундай хулқ-атворини ўз яқинларидан яширишга интилишини вужудга келтиради.

Ўз ота-оналари, яқинлари ва ўзидан катта ёшдагилар билан муносабатларнинг нохуш аҳволда эканлиги, бир-бирларини ўзаро тушунмаслик, шунингдек, ота-оналар томонидан алкоголь ёки гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиниши барча ёшдаги ёшлар гуруҳининг гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиниши хавф-хатарини сезиларли даражада оширади.

Ёшларнинг ўз вақтини қаерда ўтказишини ота-оналаридан яшириши улар томонидан гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилишлигидан ёки уни режалаштираётганлигидан ёхуд шундай гуруҳдаги шахслар билан ўз вақтини ўтказаётганлигидан далолат бериши мумкин.

Мактаб ёшидаги болалар учун спорт ёки бошқа ижодий ишлар билан шуғулланмаслик, ўзининг кунлик вақтини интернет клубларда ёки ўйин хоналарида ўтказиш, олий таълим муассасаси ўқиш ёшидагилар учун эса бўш вақтларини тунги клуб ва бошқа кўнгилочар жойларда ўтказиши ҳамда ота-оналари ва ўқитувчилари билан доимий равишда низолашиши гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиб кўриш учун ҳавас уйғотишга хос бўлган омиллардан ҳисобланади.

Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқатилишига қарши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари ва кенг жамоатчиликнинг кучи, барча воситалар ва усуллар ёрдамида кураш олиб бориш ниҳоятда муҳимдир. Бу борада жиноят қонунчилиги ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг тарқалишига қарши курашга қаратилган бир қатор ижтимоий қилмишлар учун жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

**Шерзод АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистон тарихи кафедраси бошлиғи, доцент, подполковник**
**Кувонч ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси, майор**

# ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети роман-герман филологияси факультетида «Чет тили дарсларида янги инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари» мавзусида ўқув-услубий семинар ўтказилди.***

Тадбирда хорижлик мутахассислар, пойтахтимиз ва вилоятлардаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Австрия Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги миллий ва халқаро бўлими бошлиғи Гертируде Цао-Ҳайссенбергер, Вена университети ходими Роланд Фишер, австриялик ёзувчи ва драматург Мартин Ауер томонидан Австрия тарихи, маданияти, иқтисодиёти ва таълим тизими, ушбу мамлакатда таълим олиш имкониятлари, Германия, Австрия, Швейцария каби немис тилида гаплашувчи давлатларнинг маданий ва лисоний ранг-баранглиги, чет тили дарсида адабиётлардан фойдаланиш методлари ҳақида чет тили фани ўқитувчи-педагогларига маълумот берилди, ушбу мавзулар улар билан биргаликда муҳокама қилинди.

— Семинардан кўзда тутилган асосий мақсад чет тили дарсларида бадиий адабиёт ва фильмлардан унумли фойдаланиш, CEFR талабларига асосланган, талабаларда ўқиб тушуниш, эшитиш ва ёзиш ҳамда гапириш кўникмаларини шакллантиришдир, — дейди университетнинг «Немис тили назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири Соҳиба Абдуллаева. — Шунингдек, Австрия томонидан эълон қилинадиган илмий грантларда иштирок этиш ва икки томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан ўзаро тажриба алмашинади.

Таъкидлаш керакки, семинар давомида ижодий ёзувни машқ қилиш дарслари, «Методика-дидактика: мамлакатшунослик, маданий ва лисоний ранг-баранглик» мавзуидаги видеоконференция, «Австрия шоир ва ёзувчилари хрестоматияси», «Вена — тарихий шаҳар: тарих, суратлар, рақамлар, далиллар» номли лойиҳалар муҳокамаси ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилди. Олти кун давом этган семинар якунида фаол иштирок этган ўқитувчиларга сертификатлар топширилди.

***Учтепа туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабида «Миллий либослар» кўрик-танловининг 1-босқичи ўтказилди.***

# МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ТАНЛОВИ



Унда мактабнинг 8–9-синфларида таҳсил олаётган, «Ораста қизлар» тўгарагига аъзо ўқувчилар тўрт шарт асосида билим ва маҳоратларини синовдан ўтказишди. Тадбирда мактаб ўқитувчилари билан биргаликда тумандаги «Кўкча–Оқтепа» ва «Пахтакор» маҳаллаларининг фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

Ораста ва иқтидорли ўқувчи-қизлар 1-шартда ўзлари ҳақидаги маълумотларни шеърий йўсинда ифода этиб таништиришди. Кейинги шартда эса ўзлари танлаган вилоятнинг миллий либослари ва уларнинг келиб чиқиш тарихи хусусида маълумот беришди. Унда иштирокчиларнинг Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Хоразм каби вилоятларнинг миллий либосларига берган таърифлари ҳакамлар ҳайъати томонидан мукаммал, дея эътироф этилди.

Навбатдаги 3-шартда иштирокчилар ўз иқтидор ва истеъдодларини миллий рақс ва саҳна кўринишлари орқали намойиш этдилар. Айтиш керакки, ёш ўқувчиларнинг «Тановор», «Лазги» сингари миллий куйларимизга ижро этган рақслари барчага манзур бўлди.

– Охирги босқичда қизларимизнинг пазандалик маҳоратини аниқлаш мақсадида «Чучвараларни тез ва бежирим тугиш» шартини ўтказдик, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Чарос Қодирова. – Мактабимиздаги «Ораста қизлар» клубига аъзо ўқувчиларнинг сони 420 нафарни ташкил этади. Бундай танловлар шубҳасиз, ўқувчи-қизларни ўзбекона ибо-ҳаёли, ораста ва иқтидорли этиб, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида камол топтиришда беминнат кўмак беради.

Қизиқарли ўтган танловнинг якуний натижаларига кўра, барча шартларни аъло даражада бажарган 9 «Г»-синф ўқувчилари ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг туман босқичида «Кўкча–Оқтепа» маҳалласидан иштирок этадиган бўлишди. 8-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган беллашувда эса 8 «Б»-синф қизларига тенг келадиган жамоа топилмади. Ғолиб жамоа сифатида улар танловнинг туман босқичида «Пахтакор» маҳалласи томонидан иштирок этадилар. Ғолиб жамоалар мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## Спорт янгиликлари

# ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

***Шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида 24-28 февраль кунлари сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтади.***

Ушбу беллашувларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан иқтидорли спортчилар сузишнинг бир нечта йўналишларида ғолиблик учун кураш олиб боришади. Мусобақада ғолиб ва совриндор бўлганлар Ўзбекистон терма жамоасига номзодлар сифатида келгуси халқаро турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

***Футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар яқинлашмоқда.***

# «ЖАР» СТАДИОНИДА ЎТКАЗИЛАДИ

Жорий йилнинг 15 март куни профессионал футбол лигаси жамоалари мамлакат XXIII миллий чемпионати баҳсларини бошлашади.

Бироқ, чемпионат бошланишидан аввал, футбол мухлисларини ажойиб учрашув кутиб турибди.

«Жар» стадионида 7 март куни «Бунёдкор» ҳамда «Локомотив» жамоалари ўртасида Ўзбекистон Суперкубоги учун баҳс уюштирилади. Амалдаги Ўзбекистон чемпиони ва Кубок соҳиби «Бунёдкор» ҳамда XXII миллий чемпионатнинг кумуш медаллари совриндори «Локомотив» ўртасидаги ушбу беллашув қизиқарли, муросасиз курашларга бой ўтиши кутилмоқда.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Остона шаҳрида ўтаётган «Челленжер» турнирида ҳамюртимиз Фаррух Дўстов эркаклар ўртасидаги жуфтлик баҳсларини ғалаба билан бошлади.***

# ДАСТЛАБКИ ЎЙИНДА ҒАЛАБА

Фаррух Дўстов ва италиялик Маттеу Валенте дуэти Буюк Британия вакили Жамие Дельгадо ҳамда люксембурглик Жиль Мюллерни 7:6, 6:2 ҳисобида енгиб, кейинги босқич йўлланмасига эга бўлди.

Кейинги босқичда Фаррух ва Маттеу россиялик Александр Кудрявцев ва беларуслик Дмитрий Жирмонтларга қарши кортга тушадилар.

Яккалик баҳсларининг иккинчи даврасида Фаррух Дўстов чехиялик Ян Мартель билан ўзаро куч синашади.

# ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

***Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Россиянинг Анапа шаҳридаги халқаро бокс турнирида иштирок этмоқда.***

Мазкур халқаро турнирда Ўзбекистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Ҳиндистон, Грузия, Россия ва Украина боксчилари рингга чиқади.

Мусобақада Ватанимиз шарафини Бекзодбек Турсунбоев (49 кг), Абдулҳай Шораҳматов (52 кг), Иқболжон Холдоров (56 кг), Музаффар Рашидов (60 кг), Жасур Аҳмаджонов (64 кг), Маҳмуд Ғоипов (69 кг), Бектемир Меликўзиев, Козимбек Мардонов (75 кг) ҳамда Раҳматулло Ғофуров (+91 кг) каби боксчилар ҳимоя қилишади.

Шунингдек, Раҳмат Тиллаев турнирда ҳакам сифатида учрашувларни бошқаради.

***ФИФА рефериси ҳамюртимиз Валентин Коваленко 2014 йилги Осиё Чемпионлар лигаси «D» гуруҳидан жой олган Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» ва БААнинг «Ал-Аҳли» жамоалари ўртасидаги учрашувни бошқаради.***

# НУФУЗЛИ УЧРАШУВНИ БОШҚАРАДИ

Мазкур ўйинда Валентин Коваленкога қанотларда баҳрайнлик Наваф Шаҳин Муса ва Муҳаммад Жаъфар Салмон ёрдам берадилар.

Ҳакамимиз жорий йилда ОЧЛнинг учинчи саралаш босқичида «Бейжинг Гуоан» (Хитой) – «Чонбури» (Таиланд) ўртасидаги учрашувни бошқарган эди.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога такроран Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «BMW-316» русумли д/р 11Z5740 бўлган, 1981 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.08.2011й, №15694/21. Бошланғич баҳоси – 5 018 773 сўм. 2. «Москвич-2140» русумли д/р 30Q3517 бўлган, 1981 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.05.2010й, №7461/21. Бошланғич баҳоси – 472 873 сўм. 3. «Маз-35334» русумли д/р 30B1963 бўлган, 1982 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро хужжати 26.08.2011й, №10880/11. Бошланғич баҳоси – 15 832 446 сўм. 4. «АЛКАН-13» русумли д/р 19А722 бўлган, 1990 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.06.2009й, №6573/21. Бошланғич баҳоси – 909 015 сўм. 5. «ЗАЗ-968» русумли д/р 30I7458 бўлган, 1986 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.12.2010 й, №16024/21. Бошланғич баҳоси – 155 340 сўм. 6. «ЗАЗ» русумли д/р 30А3258 бўлган, 1989 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.04.2011 й, №5867/21. Бошланғич баҳоси – 450 020 сўм.

**Аукцион савдоси 2014 йил 18 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 14 март куни соат 18:00. Мулклар билан Миробод туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. **Изоҳ:** и/ч – ишлаб чиқарилган, д/р – давлат рақами. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Дала ҳовличилар» ҳудудида жойлашган пешайвон (терасса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёзги ошхоналардан иборат 67-сонли дала ҳовли такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 109 016 200.**

**Аукцион савдоси 2014 йил 17 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 14 март куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/факс: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**ЮНУС РАЖАБИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРЛАРИ лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| | **Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига** | |
| 1 | Ю.Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-Қатортол кўчаси, 38-А уй. |
| | **Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига** | |
| 2 | Ю.Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-Қатортол кўчаси, 38-А уй. |

**Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари:** ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

**Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари:** касб-ҳунар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумотли, педагогик иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1.Сўровнома (справка-объективка).
2.Таржимаи ҳол.
3.Олий маълумоти ҳақида дипломнинг нусхаси.
4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
5.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
6.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
7.Паспорт (нусхаси).
8.Тавсифнома.
9.Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-Қатортол кўчаси, 38-А уй. Тел: 216-31-73.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖда 2014 йил 20 январдан 2014 йил 20 февралгача вақт давомида ўтказилган кимошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 21.01.2014 | Ҳамза тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "Nissan Teana" д.р. 01 161 QAA | 60 000 000 | 63600 000 |
| 24.01.2014 | Шайхонтоҳур тумани СИБ | 2009 й. "Эпика", д.р. 01 393 SAA | 40 820 719,50 | 42 400 000 |
| 28.01.2014 | Зангиота тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "Эпика" д.р. 10 757 KAA | 52 072 327 | 54 500 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 N 345 BA | 17 364 030 | 18 240 000 |
| | | 2012 й. и.ч. "Спарк" д.р. 01 E 763 LAA | 29 760 000 | 31 150 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10 U 767 BA | 20 056 000 | 21 030 000 |
| | Ўртачирчиқ тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "Нексия Сонс" д.р. 01 W 908 DA | 22 083 000 | 23 300 000 |
| | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | 1998 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 Z 891 DA | 15 000 000 | 16 080 000 |
| 06.02.2014 | Зангиота тумани СИБ | 1986 й. и/ч. Камаз-5511, д/р. 10 Z 037 AA | 6 859 310 | 7 350 000 |
| | Чилонзор тумани СИБ | 2006 й. и/ч. IVEKO, д/р. 30 R 1924 | 80 340 312,64 | 84 000 000 |
| | | 2006 й. и/ч. HATSAN, д/р. 31 R 2316 | 42 311 896,67 | 44 200 000 |
| | | 2012 й. и/ч. Матиз, д/р. 01 F 401 OA | 20 608 060,50 | 22 600 000 |
| 14.02.2014 | Паркент тумани СИБ | 1978 й. и/ч. Газ 5204, д/р. 10 A 786 BA | 1 252 330,91 | 1 405 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1998 й. и/ч. "Газ-3110", д/р. 20 K 581 AA | 7 186 253,40 | 7 800 000 |
| | Бўстонлиқ тумани СИБ | 1989 й. и/ч. "Газ-2417", д/р. 11 M 0152 | 637 048 | 700 000 |
| 20.02.2014 | Шайхонтоҳур тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 S 644 EA | 19 152 000 | 20 100 000 |
| | | 1999 й. и.ч. "BMW 3161" д.р. 01 Z 091 CA | 27 632 745 | 28 910 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Ласетти 1,8 GM UZ" д.р. 10 095 OAA | 39 210 828 | 41 200 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 014 KAA | 34 596 181 | 36 400 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 016 KAA | 34 671 721 | 36 500 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 021 KAA | 33 939 387 | 35 650 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 095 DAA | 34 682 853 | 36 500 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 024 KAA | 34 580 781 | 36 400 000 |
| | | 2010 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 749 LAA | 45 112 835 | 47 400 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2014 йил 20 январдан 2014 йил 20 февралгача ўтказилган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 30.01.2014 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Чирчиқ кўчаси, 28-уй | 47 288 278 | 50 300 000 |
| 17.02.2014 | Яккасарой тумани СИБ томонидан | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 67/8-уй, 15 - хонадон. | 200 000 000 | 212 000 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**


**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида 27* ***февраль*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27* ***февралда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 256

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 13075 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5